Оила ва жамият

عائله و جمعيت

15 СОН

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1996 йил апрел

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

Баҳоси эркин нархда

1336 **Биз ким, Мулки Турон, Амири Туркистонмиз. Биз ким, Миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи Туркнинг бошбўғинимиз** 1996

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасини тишкил этиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

● 8 апрел куни Вазирлар Маҳкамасида муборак Ҳаж сафарини ташкил этиш юзасидан тузилган республика комиссиясининг якунловчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда таъкидланганидек, бу йил диёримизнинг 3500 нафар, яъни ўтган йилгидан 500 нафар кўп фуқароси муборак Ҳаж зиёратига борадилар. Йиғилишни Бош вазир ўринбосари С.Саидқосимов бошқарди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда соғлиқни сақлаш ишини ривожлантириш консепцияси асосидаги «Аҳоли соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақида республика Соғлиқни сақлаш вазири Ш.Каримовнинг ахбороти тингланди.

Қонун лойиҳаси юзасидан мажлисда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар, қўшимча ва ўзгартиришларни эътиборга олган ҳолда, уни Олий Мажлис сессияси тасдиғига киритишга қарор қилинди.

Мажлисда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров, республика Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломовалар қатнашдилар.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бошоқли дон экинларини йиғиб олиш мавсумига тайёргарлик масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг бу борада қилинаётган ишлар ҳақидаги ахборотлари тингланди. Йиғилишни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков бошқарди.

● Европа Иттифоқи Комиссияси (ЕИК) комиссари Ханс Ван Ден Брук бошчилигидаги делегация республикамизга ташриф буюрди. Делегация аъзоларини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қабул қилди. Шунингдек, ЕИК делегацияси республика Олий Мажлисига ва Вазирлар Маҳкамасига ҳам ташриф буюрди.

● Халқаро «Экосан» жамғармасида бўлиб ўтган кенгаш «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» мавзусига бағишланди. Унда экологик муаммоларни бартараф этиш, «Экосан» жамғармасининг фаолиятини янада кучайтириш ҳақида фикрлар, аниқ амалий таклифлар билдирилди.

● Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Аҳмад Яссавий номли маҳаллада янги гузар очилди. У ерда озиқ-овқат, саноат ва хўжалик моллари билан савдо қилувчи дўконлар, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш устахоналари, шинамгина чойхона мавжуд.

● Фарғона водийси оммавий ахборот воситалари ходимларининг Наманганда бўлиб ўтган семинар-кенгашида жамиятимизда бўлаётган туб ўзгаришларни ҳаққоний ва тўлақонли ёритишда журналистларнинг маъсулиятини ошириш, улар олдида турган вазифалар ҳақида гап борди.

СОНДА:

УБШУ

3-БЕТ: КИМГА САДАҚА БЕРАЯПМИЗ?

4-БЕТ: ХОЛАСИ ОНАСИ БЎЛДИ

6-БЕТ: «ЖАСОРАТ» ЖАСОРАТГА ЕТАКЛАДИ

Акция иктисод таянчи!

MILLIY INVESTICIYA FONDI

Миллий инвестиция фонди

тел 39-16-56

FAX 39-17-63

Мустақиллигимиз даҳлсиз

БИЗНИНГ ЎЗ ЙЎЛИМИЗ БОР

Юртбошимиз Ислом Каримов олиб бораётган оқилона сиёсат туфайли республикамизда тинч, осуда ҳаёт ҳукмрон, турли миллат вакиллари, турли динларга эътиқод қилувчи кишилар аҳилликда яшаб, Ватанимиз равнақи йўлида меҳнат қилмоқдалар. Бозор иқтисодига ўтишнинг Президентимиз белгилаб берган беш асосий тамойили дастуруламал қилиб олинганлиги сабабли ҳар хил «эсанкиратувчи терапия» каби ўзини оқламаган ҳолатлар бизда юз бергани йўқ.

«Хўш, мустақиллик бизга нима берди, ўзи?» деган саволга эса қисқача қилиб, ҳар биримизга «Мен озод ва ҳур, дунё таниган ва тан олган Ўзбекистон давлатининг фуқаросиман», деб баралла айтиш, соҳибқирон Амир Темур каби бобокалонларимиз асос солган буюк давлатнинг давомчилари эканлигимиз билан кўкрак кериб фахрланиш имконини берди, дейиш мумкин.

Маҳалламиз аҳлининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ана шулар ҳақида гап борди. Барча бир овоздан юртбошимизнинг Хоразм вилояти фаоллари йиғилишида сўзлаган нутқида ва ЎзА мухбири саволларига жавобида интеграция масалалари ҳақида билдирган фикрларини қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар.

Зюганов бошлиқ Россия коммунистларига мустақил Ўзбекистон тақдирини ҳал этиш ҳуқуқи берилмаган. Улар «Ўзбекистон СССРни тиклашга мойиллик билдиради», деб ўйласалар қаттиқ янглишадилар. Бизнинг ўзимизга хос, ўзимизга мос йўлимиз бор.

Тўхтамурод СОБИРОВ,
Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги Чуқурсой маҳалласи оқсоқоли

У ЗАМОНЛАР ЎТИБ КЕТДИ

70 йиллик ҳукмронликлари даврида Москвада ўтириб бошқалар учун қарорлар чиқаришга, ҳатто уларнинг тақдирини ҳал этишга ўрганиб қолган коммунистлар ўша замонларни қўмсаб қолишган кўринади. Йўқса, Россия Давлат Думасининг коммунист депутатлари ташаббуси билан қабул қилинган СССРни қайта тиклаш ҳақидаги қарорини қандай баҳолаш мумкин.

Бугун қатъий айтишимиз мумкинки, бизнинг тақдиримизни «оғаларимиз» ҳал қиладиган даврлар ўтиб кетди. Энди Ўзбекистон мустақил давлат сифатида дунёга юз тутмоқда, ривожланган давлатлар юртимизни ўзларига ишончли ҳамкор деб билмоқдалар. Собиқ СССР даврида асосан хом ашё етказиб берувчи бўлиб келган республикамиз бугунги кунда мустақиллик шарофати билан саноат ва ишлаб чиқаришда жиддий ютуқларни қўлга киритмоқда.

Ишончимиз комилки, миллатидан қатъий назар республикамизнинг ҳар бир фуқароси юртбошимиз юритаётган сиёсатни қўллаб-қувватлайди.

Шуҳрат ТУРҒУНОВ,
Наманган вилояти, Чуст тумани

Муассисларимиз фаолиятидан

«НАВРЎЗ ЮРТ КЕЗМОҚДА»

Наврўз байрами кунларида Болалар жамғармаси Жиззах вилоят бўлими Жиззах шаҳар таянч пунктида ҳам катта байрам тадбирлари бўлиб ўтди. 20 март куни 20-сонли Меҳрибонлик уйида 210 нафар кўнгли ўксик болаларга дастурхон ёзилиб, дошқозонда сумалак пиширилди ва уларга турли-туман совға-саломлар тарқатилди. Эртаси куни эса байрам шукуҳи Наврўзбулоқ сайлгоҳига кўчди. Шу куни шаҳар болалар уйи ансамбли, дорбозлар гуруҳи, болалар ўйингоҳи кун бўйи болалар хизматида бўлди. 22 март куни 20-автокорхона (бошлиғи Ш. Рашидов) томонидан ажратилган иккита «Икарус» автобусида 110 нафар болажонлар Тошкентни саёҳат қилиб қайтдилар. Бу тадбирларни ўтказишга мулкчилик шаклидан қатъий назар турли корхона, ташкилот, фирмалар вакиллари бош қўшдилар.

Айни кунларда ҳам шаҳар маҳаллаларида «Наврўз юрт кезмоқда» тадбири бўлиб ўтмоқда. Бу тадбирларга таянч пункти кўп болали, ногирон, етим-есирларга моддий ва маънавий кўмак бериш билан ўз ҳиссаларини қўшишяпти.

— Ахир ўксик кўнгилли одамлар юзида қувонч зоҳир бўлишини кўришдаҳа севинчли ҳолат бўлиши мумкинми инсонда, — дейди Болалар жамғармаси шаҳар таянч пункти бошлиғи Дилором Расулова. — Қани энди бундай тадбирларни тез-тез уюштириб туришнинг имкони бўлса. Ҳозир ана шу истагимизни амалга ошириш йўлларини қидиряпмиз. Шу мақсадда дорихона ва дўкон очишни ҳамда имкониятимиз даражасида ер олиб деҳқончилик қилишни режалаштиряпмиз. Ишбилармонларнинг, харажатсиз фойда нолга тенг, харажатли фойда харажатнинг квадратига тенг, деган формуласини биз ҳам қўлламоқчимиз.

Ўз мухбиримиз

МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Каттақўрғон педагогика билим юрти Ўзбекистон халқ маорифи комиссарлиги қарори билан 1928 йилда ташкил этилган эди. Ўша даврларда бино талабга жавоб берарли даражада мукаммал ва кўркам эмас, халқ томонидан ҳашар йўли билан қурилган атиги бир неча хонали кўримсизгина иморатда қўним топганди. Бунинг устига ва ўқув қуроллари ва на моддий-маиший имкониятлар етарли эди. Шунга қарамай билим юртида ажойиб педагогик жамоа ташкил топганди. Барча жамоа аъзолари кўтаринки руҳ, зўр иштиёқ билан ўз фаолиятини бошладилар.

Билим юртининг биринчи директори Абдураҳмон Мавлонбеков ва биринчи ўқитувчилар Мирза Султонов, Санжар Эргашев, Асрор Қодиров, Маҳкам Холмуҳамедов, Нормат Ражабий, Мансур Ғуломов номларини бугун тилга олмасдан илож йўқ. Зеро, мана шу устозлар меҳнати, фидойилиги билан бу ерда бир қанча элга таниқли одамлар тарбия топди. Билим юрти мавқеи ва имкониятлари кенгайди.

Ҳозирги пайтда маърифат масканида бошланғич синф ўқитувчиси, меҳнат таълими, расм ва чизмачилик ихтисосликлари бўйича 1000 га яқин йигит-қизлар таълим олишишаяпти. Билим юртининг бугунги ўқув моддий базаси, замон талабларига тўла жавоб беради. Ҳозир 100 га яқин педагоглар жамоаси ёшларга билим ва малака ўргатишмоқда. Дарслар кабинет системасида олиб борилади. Ўқув хоналари техник воситалар, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Дарс ва илмий машғулотлардан ташқари талабаларимиз шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштириб олишда фаол қатнашаётир. Билим юртимизда ўз-ўзини бошқариш, хотин-қизлар кенгашлари, байналмилал дўстлик клуби каби жамоатчилик кенгашлари иш олиб боради.

Айниқса, хотин-қизлар кенгаши қошида ташкил этилган «Сирдош», «Даврага кел, дугонажон», «Оила сирлари» каби клубларимиз олиб бораётган ишлар таҳсинга сазовордир. Мазкур клубларда қизларимиз миллий қадриятларимиз ва қадимий анъаналаримизни ўрганмоқдалар.

Билим юртида спорт ишлари ҳам юксак савияда ташкил этилган. Қўл тўпи, волейбол, футбол, эркин кураш бўйича талаба ёшларимиз жамоалари шаҳар, вилоят ва республика мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, бир неча бор совринли ўринларни эгалладилар.

Айни дамларда ўзининг 70 йиллик юбилей тўйини нишонлашга кенг ҳозирлик кўраётган билим юрти жамоаси эътиборини фақат бир нарса — ёшларни ватанпарвар, халқпарвар қилиб тайёрлашга қаратганлар. Зеро, ёшлар бизнинг келажагимиздир!

М. ҲАҚБЕРДИЕВ,
Каттақўрғон педагогика билим юрти директори муовини

Абдурасул ПАРДАЕВ сурати

Тадбиркор аёллар

ЭЛ ДУОСИ ҚЎЛЛАЙДИ

Ҳар гал қадди-қомати келишган, бу аёлни кўрганимда, меҳнат қадри, роҳати ҳақида ўйлайман... Гулчеҳра опанинг ҳар сонияси режали, ўлчовли.

Опа билан ёшликда бир маҳаллада ўсганмиз. Болалигимиз эски бозор яқинида жойлашган Бузрукобод маҳалласида кечган. Гузаримиздаги аёллар дўппидўзлик, каштадўзлик, чопондўзлик билан шуғулланишарди. Онам тиккан каллапўшу дўппилар қандай тез сотилса, Гулчеҳра опанинг тиккан зардўз дўппиларининг бозори ҳам шундай чаққон эди.

Муҳтарам холанинг тор кўчадаги эски ҳовлилари қишин-ёзин қўшнилар билан гавжум бўлар, кимдир зардўзликни ўргангани келса, яна кимдир чопони қавуғини тугатиб, гурунглашиб юрагининг чигилини ёзгани келарди. Хола ўз ҳунарини қизлари Гулнора ва Гулчеҳра опаларга ҳам ўргатган, улар ёш бўлишига қарамай, маҳаллада танилиб қолган эдилар. Гулнора опанинг қизиқ-қизиқ ҳикоялари, у тиккан бежирим дўппилардаги гуллар жилоси ҳали-ҳамон хотирамда гавдаланади.

Гулчеҳра опа асли педагог 1971 йили Қарши Давлат педагогика олийгоҳини битириб вилоят муаллимлар малакасини ошириш институтида, кейинчалик Қарши Давлат мактабгача тарбия билим юртида ишлади. Болалигидан зардўзликка меҳри тушганиданми ёки республикамизда тадбиркорликка кенг йўл берилганиданми, 1992 йили ўзи яшаётган «Қарлиғбоғот» маҳалласи идорасининг бўш хоналаридан иккитасини таъмирлаб зардўзлик цехи очди. Бу ер қисқа вақт ичида сўлим бир гўшага айланди. Гулчеҳра опа шогирдларининг ғайратини, санъатини кўрганда шу ҳунарни ўргатгани учун онажонидан минг бора миннатдор бўлади.

Бундан икки йил илгари республика матбуот нашрларида опанинг зардўзлик цехи ҳақида қисқагина хабар босилган эди. Бу хабарни ўқиб Сурхондарё вилояти, Шеробод туманидан ҳокимлигидан вакил келди. Гулчеҳра опа вакилнинг илтимосини ерда қолдирмади. Шерободлик олти қиз икки ой ичида опанинг уйида яшаб ҳунар ўрганди. Бугун Гулчеҳра опанинг Шерободлик шогирдлари кўпларга устоз.

Гулчеҳра Пиримқулова 10-15 киши билан иш бошлаган цех ўтган йили «Ботир» зардўзлик кичик корхонасига айлантирилди. Шаҳардаги янги бозор ёнида корхонанинг зардўзлик магазини қуриб ишга туширилди. Кичик корхона негизида юздан зиёд хотин-қизларни иш билан таъминлаш имконини берадиган зардўзлик фабрикаси қурилиши бошлаб юборилди.

Болаликнинг бахтли кунлари
Раул АЛБЕКОВ сурати

Ушбу кичик корхона маҳалладаги 60 га яқин ногирон, боқувчисини йўқотган оилалардан хабар олиб туришни ҳам зиммасига олган.

— Кексаларимизнинг, ғарибу ночорларга бирни берсанг Оллоҳ сенга мингни беради, деганларида жон бор экан. Ишларимизнинг юришиб кетишида савобнинг ҳиммати бор, — дейди Гулчеҳра опа.

Кичик корхонанинг зардўз қизлари тикаётган келинлар халати, тўн, сўзана-ю ёстиқлар харидоргирлиги билан ажралиб туради. Корхона зардўзлари ўтган йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ўтказилган халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари кўргазмасида ўзлари тиккан маҳсулотлар билан қатнашишди. Буларнинг барчаси Гулчеҳра опанинг меҳнати, изланиши маҳсули.

Опанинг оиласидаги тотувлик, фарзандларининг бир-бирига меҳр-муҳаббатини кўриб, оила тинчлиги, рўзғор тўкислиги унумли меҳнат гарови эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Сайёра ЗОИРОВА,
Қарши шаҳри

Навоий ва навоийликлар

ТУТ ЁҒОЧДАН ЎҚУВ ҚУРОЛИ

Қизилтепа туманидаги Файзулла Хўжаев номли билим даргоҳи ўқитувчиси Ўктам Раҳматов тут ёғочидан ўқув қуроллари тайёрлашни жорий этди. Шунингдек, мактаб устахонасида маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда ёзув пастаси ҳам ишлаб чиқариляпти. Сиёҳи тугаган стержинни яна тўлдириш имконияти яратилди.

«ҚАЙНОНА ҚЎШИҚ АЙТАДИ»

Қизилтепа шаҳар ҳокимияти қошида «Қайнона» деб номланган фолклор дастаси иш бошлади. Жамоа аҳли маҳаллаларнинг санъатсевар аёлларидан иборат.

Жамоанинг ўз олдига қўйган мақсадлари бор. «Қайнона» тўйларда «ёр-ёр» қўшиқларини куйлайди. Келин ва қайноналар тўғрисида лапарлар ижро этади.

МАҲАЛЛА ПАЗАНДАСИ

Яқинда Навоий шаҳридаги Дўстлик маҳалласида «Энг яхши пазанда» танлови бўлиб ўтди. Унда турли касб, турли миллат вакиллари иштирок этдилар. Танловда маҳаллада истиқомат қилувчи Шоира Комилова ғолиб деб топилди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулбаҳор Собирова ҳокимлик номидан махсус мукофотни топширди.

Қиссадан ҳисса шуки, дастурхон тўкинлиги, юрт осойишталиги туфайли ана шундай танловлар ўтказишга имконият яратилмоқда.

Маҳмуд МАРДИЕВ

Мар БАЙЖИЕВ

ХАТО

(ҳикоя)

Куз шаҳарга сездирмасдан ўғри мушук каби кириб келди. Лекин қуёш ҳали асфалт йўлларни, уйларнинг томларини қиздирар, дарахтлар эса шаҳарликларни қайноқ нурдан пана қилиб турар, шундай бўлсада кунлар қисқариб, қуёш тобора ёнбошга оғиб борарди.

Ниҳоят осмонни қоп-қора булутлар қоплаб, шаррос ёмғир қуядиган дамлар етиб келди. Мана ҳозир ҳам кимдир осмондаги шлюзларни очиб юборгандек шаррос ёмғир қуя бошлади. Кўчаларда бўтана ирмоқлар пайдо бўлди. Ёмғир дарахтларнинг баргларини ювиб, шохларини яланғочлаб қуйди.

Шаҳарга куз худди шундай кириб келди. Осмон қоп-қора, тоғлардан совуқ шамол эсади. Дарахтларда омонат турган япроқлар эзилиб ёғаётган ёмғирга бардош беролмай тўкилади.

Бу кунлар орасида Асилбек озиб-тўзиб кетди. Мана уч кундирки у ишдан кейин одатдагидек билярдхонага эмас, хотини Жумагул ётган марказий касалхонага шошилади. Аввал у хотинини шунчаки шамоллаган деб ўйлаганди, бироқ ўтган куни ёш врач Алмамбетов Жумагулнинг қонини текшириб кўриб унинг жиддий касал эканлигини айтди.

— Унга нима бўлган? — сўради Асилбек. Алмамбетов кабинет эшигини ёпиб узоқ сукут сақлади.

— Болаларингиз борми?

— Учта... Каттаси еттинчида, қизим учинчи синфда ўқийди. Кичкинаси саккиз ойлик, — жавоб қилди Асилбек.

— Ҳа... — Алмамбетов пешонасидаги терларни артар экан, — хотинингиз оққон, деди.

— Оққон? — Асилбекнинг кўзларидан ўт чақнагандай бўлди. — Эҳтимол, бу хатодир? Балки тузалиб кетар?

— Инсон юраги уриб турар экан биз умидсизликка тушишга ҳаққимиз йўқ. Барибир, ҳаммасига тайёр бўлиб туринг...

— Бу қанақаси бўлди, доктор! Фанимиз космосни забт этди. Нега энди бир аёлни ўлимдан олиб қололмайди. Бу қандай парадокс, доктор!

Ёш врач Асилбекнинг елкасига қўлини қўйди ва ҳеч нарса демади.

— Унинг олдига кирсам бўладими?

— Елкангизга халат ташлаб олинг. Биз хотинингизни алоҳида палатага ўтказдик. Ҳозирча ўзини яхши ҳис қиляпти. Ҳарорати юқорилиги ҳеч нарса эмас. Мен сизни кузатиб қўяман...

— Раҳмат доктор... Профессор Олтинбоев уни кўрикдан ўтказдими?

— Йўқ. У Москвада. Тез кунда қайтади, — деди ёш врач.

Эшик очилганда Жумагул укол қилгани келишган бўлса керак, деб қошларини чимирди, бироқ эрини кўриб юзига табассум югурди ва бошини ёстиқдан кўтарди. Асилбек столга ўтириб, хотинининг пешонасига қўлини қўйди.

— Қўлинг совуқ, — деди у.

— Совуқ? — Асилбек дарров қўлини тортиб олди.

— Йўқ, йўқ... совуқ бўлгани яхши. Менга ёқимли...

Асилбек гоҳ у, гоҳ бу қўли билан хотинининг пешонасини силади.

— Болалар қандай? Кичкинамиз йиғлаётган бўлса керак...

— Болаларни ўйлаб безовта бўлаверма, эртага бувиси келади. Сен соғайиб чиққунингча болалар билан бўлиб туради.

— Чиқаманми? — сўради хотини.

— Тез кунда чиқасан, доктор шундай деди.

— Раҳмат, Асилбек, раҳмат сенга келганинг учун.

— Менинг келмаслигим ҳам мумкин эдими?

Жумагулнинг ёноқларида ёш думалади. Бир неча кун илгари эр-хотин жанжаллашиб қолганди. Аслида бунақа жанжаллар тез-тез бўлиб турарди. Бунга Асилбекнинг футболга кириш учун патта ёки бир шиша винога кетган беш сўм сабаб бўларди.

«Эҳ наҳотки у беш сўмга ачинади. Шу нарса шовқин кўтариб, болаларнинг олдида мени ҳақорат қилишга арзийдими? Ахир мен ҳам ишлаяпман, пул топаяпман, нега энди дўстларим билан ичмаслигим керак экан?» ўзича ўйлайди Асилбек.

«Қўпол! Беш сўмни сўраганим учун бақирди. Мен ахир аёлман. Рўзғорни ўйлайман. Учта боланинг тарбиялаш осонми? Ўзим тентакман. Унинг бундай бўлишини билганимда...» деган фикрлар ўтади Жумагулнинг кўнглидан. Улар ўз фикрини йиғиштириб олмасдан жанжал янги куч билан бошланади. Жумагулнинг тили аччиқ. Унинг хотирасида Асилбекнинг тўйгача «қўлимда кўтариб юраман, ҳеч қачон хафа қилмайман!», дея берган ваъдалари жонланади. Бугун эса эри тўртинчи қаватдан тушганча Жумагул унинг ортидан пулемётдан ўқ отгандай тинмай жавради:

— Болаларни унут! Кўзимга кўринма! Қайтиб келаман, деб ўйлама!

Асилбек ўзини ҳақиқий эркак тутиб бошида тешилмас шлем бордек бепарво пастга тушаверади. Биринчи қаватга тушиб бўлгач маҳоратли снайпер каби бошини кўтариб фақат бир марта ўқ отади.

— Жим бўл, бақалоқ?

Хотини ярадор бўлган айиқдай эшикни маҳкам ёпиб диван устига чўзилиб узоқ вақт йиғлайди. «Қайси қора кунда у билан учрашган эканман? Семиз бўлсам айбдорманми? Болаларга бермай ўзим еб ётибманми? Эҳтимол у шундай деб ўйласа керак. Биз учрашган пайтда у қаерга қараган эди. Менинг бақалоқ эканлигимни у илгари кўрмаганмиди? Ой, онажон... Ўзимга қарашга вақтим борми? Болаларга қарайман, рўзғор ташвишлари... Мен ҳам хипча бўлиб рўмол ўраб, чиройли бўлиб юришни ёқтираман. Лекин...»

У йиғидан тўхтаб болаларини ўйинқароқлиги учун уришган бўлди, кейин ювиниб яна кундалик ишини бажаришга киришиб кетди. Аёл киши бошқа нима ҳам қиларди. Охирги марта ҳам худди шундай бўлганди. Асилбек елкасига плашчини ташлаб эшикни ёпаётиб ҳар доимгидек «Жим бўл, бақалоқ» деди-ю кетди.

У билярдхонага келиб икки соатча билярд ўйнади. Кейин қорни очди шекилли, ресторан томон юрди. Эрталаб Асилбек шаҳар четидаги пастаккина уйларнинг бирида кўзини очганида стол устида бўшаган шишалар турар, понбархт халатли семиз аёл эса аллақандай қўшиқни хиргойи қилиб колбаса қовурарди. Юзлари шишиб кетган таниши қалтираб-қалтираб ботинка боғичларини тақарди...

Асилбек уйга кеч қайтди. Болаларидан хотинини касалхонага олиб кетишганини эшитди.

— Жумакай, бир доктор билан гаплашдим. Профессор Олтинбоевнинг энг яхши шогирдларидан. У сенинг касалингни унчалик қўрқинчли эмас, даволаймиз деди... — Асилбек кафти билан хотинининг кўз ёшларини артди. Жумагул унинг қўлларини қисди, — Жумакай!..

Асилбек уни ўн беш йил олдин шундай деб чақирарди. Ўшанда улар эр-хотин эмасди. Вақт ўтиши билан бу эркалатувчи «Жумакай» негадир унутилди...

«Лоақал ҳафтада бир марта мени шундай деб чақирсанг, сен учун ўзимни сувга ҳам, ўтга ҳам уришга тайёр эдим. Баъзан сенинг хулқингдан норози бўлиб гапирганимда сен асабийлашасан. Эҳтимол, ҳамма вақт ҳам сен ҳақ эмасдирсан, аммо мендан кўра оқила ва кучлисан. Биз илк учрашган пайтларимизда ҳаётнинг майда-чуйда, асабларимизни таранглаштирадиган жанжаллари борлигини ўйлаб кўрганмидик? Иккаламизнинг жимгина сайр қилиб юрган чоғларимиз бахтли дамлар эдими? Мени уйгача кузатиб келганда сен узоқ сукут сақладинг, қўлимни қўйиб юбормай кўзларимга қарадинг. Мен айтдим: «Асилбек, қўйиб юбор, онам кутиб қолди». Йўқ, сен барибир қўлимни қўйиб юбормай кўзларимга қараб турaвердинг. Шундан сўнг... Шундан сўнг биз турмуш қурдик. Рўзғор. Болалар туғилди. Кейин эса ҳаммаси бошланди. Оилавий жанжал, хафагарчиликлар. Ўтган кузда биз ажралишмоқчи эдик. Кутилмаганда сени сафарга жўнатиб юборишди. Аввалига сенинг сафарга кетганингга хурсанд бўлдим, бир ҳафтадан сўнг эса соғина бошладим. Икки ҳафта ўтгач сенга хат ёзмоқчи бўлдим, аммо ёзмадим. Тўртинчи ҳафта эса кун бўйи дераза олдида ўтириб кўча қарайдиган бўлдим. Сен келадиган кун болаларни чўмилтирдим. Сени кутиб олмоқчи эдик. Поезднинг келишига бир соат қолганида ўйланиб қолдим. Билмайман, эҳтимол хафагарчиликлар ёдимга тушгандир, балки сенинг бошқача тушунишингни ўйлаб қўрққандирман. Шунинг учун уйга кириб келгунингда мен бошқа хонага чиқиб кетдим. Болалардан мен ҳақимда сўраганингда «Мен шу ердаман, шу ердаман! Соғиндим. Кутдим. Энди ҳеч қачон кетма!» деб қичқириб юборгим келди. Негадир шундай қилмадим. Сен ҳам бегонадай қўлимни қисиб ўз хонангга ўтиб кетдинг. Бир ҳафтадан сўнг сени кутган дамлардаги ҳаяжонларимни унутдим. Ҳаёт олдингидай, ўз изига тушди... Сенинг қўлларинг бундан ўн беш йил олдингидай юмшоқ... О, ҳозир сен нималарни ўйлаяпсан. Учта бола билан сенга қийин бўлади. Жумакайингнинг умри қисқа экан, буни биламан. Яна бир йилгина яшасам эди, сени қанчалик севишимни билар эдинг».

Жумагулнинг кўзларидан яна ёш думалади.

«Менинг бечорагинам! — ўйларди Асилбек шу пайтда, — қанча гўзал кунлар ва соғлик бўшлиққа кетди. Биз йўлларда ўз бахтини йўқотиб қўйган йўлдошлар эдик. Ахир биз қачонлардир севишган эдик, осмонга бўйлашган орзуларимиз бор эди. Уларнинг ҳаммаси қаёққа кетди? Ўтган йили биз ажралишмоқчи бўлдик. Лекин, мен сафарга жўнавордим. Ўшанда атайлаб шундай қилгандим. Сенинг олдинга ҳеч қачон қайтмайман, деб ўйлагандим. Аммо бир ҳафтадан кейин болаларни соғиндим, икки ҳафтадан кейин сени кўргим келди. Учинчи ҳафтани фақат сен ҳақингдаги ўйлар билан ўтказдим. Тўртинчи ҳафта эса кун ва соатларни санадим. Уйга қайтиш имкониятларини қидира бошладим... Поезддан тушганимдан кейин ҳам мени кутиб олишга чиққан деб вокзалда анча турдим. Агар келганингда ҳамманинг олдида сени ёш боладай уйга кўтариб келардим. Аммо сен келмадинг. Уйга кирганимда сен бошқа хонага ўтиб кетдинг. Ва ҳаммаси яна қайтадан бошланди. Энди сен ётибсан ва жимгина ўлаяпсан. Нима учун ҳақиқий инсоний фазилатлар муҳаббат, садоқат, бахтнинг қадри фақат катта қайғу олдидан билинади? Нима учун биз одамлар вақтни, ўзимизни қадрламаймиз? Нега ҳақиқий севгининг (агар у бўлса) қадрига етмаймиз? Нега умримизни майда-чуйда нарсаларга сарфлаб улкан вазифаларни унутиб қўямиз? Яна бир йил, ярим йил мен билан болаларим билан яшасанг эди сенга шундай шоҳона ҳаётни яратиб берган бўлардимки...» Асилбекнинг томоғига нимадир тиқилгандай бўлди. Хотинига билдирмасдан кўз ёшларини артди.

Улар ўз фикрлари билан банд бўлишиб бир-бирларига унсиз қараб туришарди. Бу орада кеч кирди. Қандай оппоқ чойшаб ва дераза пардалари кулранг тусга кира бошлади. Ташқарида ёмғир авжига чиқди. У дераза ойналарини тинимсиз савалар, дарахтларнинг сариқ япроқлари қанотларидан айрилган капалакдай ерга тушарди.

— Кеч бўлди, — деди Жумагул.

— Нима кеч?..

— Қоронғу тушди, болалар ёлғиз.

— Ҳа, ҳа. Мен... яна озгина ўтирай.

— Ёмғир...

— Куз...

Ёмғир тунука томни тақиллатар, дарахтлар дарёдай шовуллар эди.

(Давоми 8-бетда)

СЕНГА БАХТДАН ТАХТ ТИЛАРДИМ...

Қизгинам!

Суюб-суюб сенга қўйган Нафис номинг жисмингга мос бўлган, гул юзли, сумбул сочли қизгинам!..

Гўдаклик чоғингдан жону-жаҳонимни бағишлаб, еру-кўкка ишонмай вояга етказдим сени. Ҳусну камолотда, ақлу заковатда тенгсиз бўлиб балоғатга етдинг. Энг баобрў илм масканларидан бирини аъло баҳолар билан битириб, ўзингга ёққан ишни танлаб ишлай бошладинг ҳам...

Сен-ку ўз ёшлик орзуларинг, ёшликнинг, навқиронликнинг ойдин-ойдин орзулари билан шод эдинг. Мен эса ўз ташвишларим билан банд бўлиб сенинг гулдек юзингдаги севинчларинг билан кўпам ишим ҳам йўқ эди...

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» китобидаги каби менга ва отангга куёв қайғуси тушар эди. Кунларнинг бирида мен ва отанг қишлоғимиздаги ўзимизга ёққан тагли-тахтли хонадонларнинг бири билан қуда-андачилик ипларини боғладик.

Кейин эса елиб-югуриб тўйнинг тараддудига тушдик. Чет элнинг нимаики ноёб буюми бўлса ўшани топиб сепингга қўшар эдик... Сарпо-сурурнингку сони-саноғи йўқ эди.

Шарқона одатларимизга тўғри келмаса-да, тўйдан илгари куёв билан учрашиб, унинг ақлидан, одобидан, қолаверса, топиш-тутишидан кўнглимиз жойига тушганди.

Биз бор орзу ҳавасимизни тўкиб-сочиб кунларнинг бирида элу-юртга дангиллатиб ош бериб, сени ўша йигитга узатдик...

Куёв шод, қудалар, яъни бизлар шод, қайинсингилларинг сендек келинойилари борлиги учун ўзларида йўқ хурсанд эдилар.

Тўйдан кейин уч-тўрт марта келиб кетдинглар... Мен эса дастурхон тузаб сизларни яхшилаб меҳмон қилиш дардида сен билан алоҳида сўзлашишга ҳам вақт топмадим.

Бир куни сен яна келдинг... Бу гал ёлғиз эдинг, ана шундагина юрагимни нимадир тирнаб ўтгандек бўлди... Киши билмас яхшилаб разм солдим. Энг анвойи кийимлар негадир сенга ярашмагандек... Қўлингдаги олмосу-гавҳарларинг ҳам сени қувонтирмагандек...

— Қизим, негадир хомуш кўринасан, тинчликми?

— Ойижон, тинчлик! Уйда қайинсингилларим келнойижон, сиз ўтиринг, ҳамма ишни ўзимиз қиламиз, деб совуқ сувга ҳам қўлимни урдиришмайди. Қайнотам, қайнонам бамаъни одамлар. Куёвингиз ҳам хафа қилмайди, ҳаммаси менинг кўнглимга қарашади.

Куёвингиз ҳам... Тўғри-ю, лекин... Бу гапда қандайдир яширин армон бордек туюлди менга.

Қизим кетар чоғи уни кўчанинг бошига қадар кузатиб чиқдим. У астагина юзларимдан ўпиб хайрлашиб кета бошлади. Йўқ, ҳаётидан нолимади, лекин, ҳар қалай хурсанд ҳам эмасди. Шундагина миямга ялт этиб бир нарса урилди. Қизимнинг ҳасратли нигоҳлари орасида яширинган армон эмасмикан. Ахир мен ундан сен шу йигитни яхши кўрасанми, деб сўрадимми? Нима учун ундан сенга араб гарнитури ёқадими, ёки олмонияникими, чарм палто ёқадими ёки лама палтоми деб сўрадиму, лекин, мен танлаган йигит сенга ёқадими йўқми деб сўрамадим...

Энди тушундимки, хато қилибман, қизгинам, кечир мени хато қилибман. Сенга тенгқурларинг ичида ҳаммадан ошириб сарполарингни, қўша-қўша гиламларни, дуру-гавҳарларингни, мебелларингни топай дебмизу лекин, сенинг булоқ сувидек тоза, пок юрагингга туйғуни топай демабмиз!

Лекин сен на менга, на отангга бир оғиз сўз қайтармасдан нима десак шунга кўндинг-а?..

Сени вояга етказиб фақат бахтингни кўрмоқчи, бахтдан шод кулгуларингни эшитмоқчи, бахтдан лов-лов ёнган юзларингни кўрмоқчи эдим. Аммо, бу дабдаба-ю, ас-асалар ҳам кўзларингнинг мунгини яшира олмаганини кўряпман.

Ортингдан кўнглим вайрон, ўзим эса ҳайрон бўлиб қолдим. Қандоқ қилай қизим, сенга бахтдан тахт тилагандим, афсус...

Басира САЙЙИД АЛИ

(Давоми, боши 7-бетда)

— Жумакай!.. Асилбек аёлининг кўзларига қаради. Унга: «Сен қаёққа кетяпсан? Мен сени севаман! Ҳали уйланмасимдан, болалар пайдо бўлмасидан олдинги пайтлардагидан юз чандон ортиқ севаман», дея қичқирмоқчи бўлди. Бироқ бунинг ўрнига у аёлнинг қўлларини силаб-сийпалаб сўради:

— Эртага сенга нима олиб келай?

— Озгина узум суви.

— Бу ерда бир ўзинг. Қўрқинчли эмасми?

— Йўқ. Ҳамширалар навбатчилик қилишади? Болаларни ўпиб қўй, мени тезда келади, деб айт.

Асилбек ўрнидан турди.

— Асилбек... Жумагул унинг қўлидан ушлади. «Сен жуда яхшисан, мен яқин орада ўламан, аммо мен бахтлиман. Чунки сен яшайсан» демоқчи эди. Лекин... Нюра холага беш сўм бер, ошхонани оқлаб қўйсин, — деди. Асилбек аёлини ўпди ва палатадан чиқиб кетди.

...Уша оқшом Асилбек ҳам Жумагул ҳам киприк қоқмадилар. Биринчи учрашувлари, биринчи бўсалар ёдга тушди. Тонг отар-отмас Асилбек яна касалхонада пайдо бўлди.

— Ҳозир соат олти, беморлар олдига соат саккиздан қўйилади, — деди ҳамшира.

— Деразадан қарасам бўладими?

— У ухлаяпти.

— Мен уйғотмайман.

— Ҳовлидан, чап томондан учинчи дераза.

Асилбек дераза олдида пайдо бўлиши биланоқ Жумагул бошини кўтариб жилмайди. У кутаётган эди.

— Сен нега ухламаяпсан, Жумакай?

— Сен нега бунча эрта келдинг?

— Бошлиқ эртароқ кел, деб айтган эди. Ўтиб кетаётиб қарагим келди.

— Кечикмайсанми?

— Ҳали вақт бор. Аҳволинг қандай?

— Бироз бошим айланади. Қон қуйишди. Эртага профессор келади. Бор энди, плашчда совқотасан, свитер кийиб олишинг керак эди.

— Ҳечқиси йўқ. Мен жигитман-ку.

— Эшитмаяпман.

— Жигитман, жигит. Жигитлар бардошли бўлишади — дея кулди.

— Ҳа, аёл жилмайиш берди. Кўйлагингни алмаштириб ол. Шкафда янгиси бор. Туғилган кунинга олган эдим.

— Раҳмат, Жумакай...

— Ишга кечикяпсан!

Асилбек соатига қаради.

— Ихтиёримда икки ярим соат вақтим бор.

Жумагул эрининг атайлаб эрта келганини тушуниб, унга муштини ўқталди. Асилбек қўлга тушган боладай кулиб қўйди...

Профессор Олтинбоев Москвадан қайтиб келгач одатига кўра врачларни тўплаб беморларнинг аҳволини суриштира бошлади.

— Оққон ташхиси билан бир аёл тушди, — деди Алмамбетов.

— Оққон?

— Ҳамма симптом ва тахминлар шуни тасдиқламоқда...

— Кўрсатинг, — буйруқ берди қария.

Палатага профессор бошлиқ оқ халатли кишилар кирганда Жумагулнинг юраги орқага тортиб кетди.

— Нега ҳаяжонланяпсиз, қизим? — сўради у.

— Билмайман...

— Ёшингиз нечада?

— Уттиз бешда.

— Болалар борми?

Мар БАЙЖИЕВ

ХАТО

(ҳикоя)

— Учта... кичигини яқинда кўкракдан ажратишга тўғри келди.

— Хўш... кичигини яқинда кўкракдан айиришга тўғри келди, денг.

Қон босимини ўлчаб кўринглар — деди Олтинбоев. Жумагулнинг қон босимини ўлчаб кўришди.

— Хўш... Яхши... касаллик тарихи қани? Хўш-ш жуда яхши, — деди профессор. Жумагул унинг ҳар бир нигоҳ ва ҳаракатини юрак ютиб кузатиб турарди.

— Яна бир марта қон қуйинглар, кучайтирилган овқатланишни белгиланглар. Қанд, узум суви, қимиз — бу жуда сизга фойдали. Қандай яшаяпсиз. Моддий томондан қийинчилик йўқми?

— Ҳа, ёмон эмас...

— Болаларингизни соғиндингизми?

— Соғиндим...

— Яқинда улар билан бўласиз. Профессор ва унинг ҳамроҳлари палатадан чиқишди. «Болаларим билан омонлашиб қолишим учун жавоб беряпти», деб ўйлади Жумагул.

— Агар ҳалиги аёлнинг ҳарорати жойида бўлса жавоб беринглар, — деди Олтинбоев.

— Нима учун, профессор? — ҳайрон бўлди ёш врач.

— Туғишдан кейин бўладиган кам қонлик, — деди профессор.

— Қон анализи бошқача...

— Қон босимичи? Қон босими нимадан дарак бермоқда, — унинг сўзини бўлди профессор. Ҳамма жим бўлиб қолди.

— Ҳа, профессор шунисини ҳисобга олмабман... Демак оққон эмас.

— Худди шундай! — деди қувноқлик билан профессор ва шогирдининг елкасига қаттиқ қоқди.

...Кечқурун Асилбек дераза олдига келиб Жумагулнинг бурқалиб ётганини кўрди.

— Жумакай! — шивирлаб чақирди Асилбек.

Жимлик.

— Жумакай, мен келдим. Эшитмаяпсанми? — ойнани тиқиллатди у.

Чойшаб қимирлади ва бирданига...

О, даҳшат. Чойшаб ичидан соқолли киши кўринди. Асилбек сал бўлмаса ҳушидан кетаёзди. У дераза ёнига келиб бир неча дақиқа чолга тикилиб қаради.

— Аёл қани? — сўради у ниҳоят.

Қария елка қисди.

— Жумакай! Наҳотки, ҳаммаси тамом—қичқириб юборди Асилбек. Нега мен эрталаб кетиб қолдим. О, қувончим менинг. Нега бунчалар тез? Улар ҳали вақт бор, деб айтишган эдику?

У ҳеч нарсага парво қилмай девордан ошиб тушди. Плашч ва шимининг лой бўлганига ҳам эътибор бермади.

Эшик ёпиқ эди.

— Очинг — у эшикни барабан қилиб ура бошлади. — Жумакай қани? Уни нима қилиб қўйдинглар?

— Сизга нима бўлди, гражданин? — сўради эшик олдида пайдо бўлган ёш ҳамшира.

— Қани, қани у — гулдиради Асилбек ва бирдан деворга суяниб қолди.

Узун йўлакдан қўлида тугунча билан табассум қилиб Жумагул келаётган эди.

* * *

Бир оз вақтдан сўнг қўшнилар яна таниш овозни эшита бошладилар.

— Кет! Кўзимга кўринма, — бақирар эди тўртинчи қаватдаги аёл.

Эркак юпунгина кийинган ҳолда пастга тушиб кетаётган бўлади. Биринчи қаватга тушгач бошини кўтариб. «Бақалоқ!» дейдию жўнаб кетади.

Аёл хонага кириб ўзини диванга ташлайди. Сўнг дераза олдига бориб кўчага қарайди. Эри асфалт йўлдан кулранг плашчининг ёқасини кўтарганча кетиб бораётган бўлади.

Ёмғир ёғар... олтинранг япроқлар тўкилмоқда эди.

Рус тилидан Маҳмуд МАРДИЕВ таржимаси

Сўнгги устун

«КОИНОТ ТОҚИГА ИЛК...»

Чексиз коинот, сон-саноқсиз юлдузлар қадим-қадимдан инсонни ўзига жалб қилиб келган. Шундан бўлса керак инсон ҳар доим осмон, юлдузлар сирларини ўрганишга интилган. Бу борада айниқса, юртдошларимиз юксак салоҳият эгаси эканликлари билан ажралиб турганлар. Биргина Мирзо Улуғбек қурдирган расадхона ва у тузган «Зижжи Кўрагоний» жадвали ўзининг аниқлиги билан ҳали-ҳамон олимларни лол этиб келмоқда.

* * *

Космосни забт этган дастлабки тирик мавжудот Лайка лақабли кучук эди. У 1957 йилнинг 3 ноябрида Бойқўнғир космодромидан учирилган Ернинг иккинчи сунъий йўлдоши билан фазони кезиб чиқди.

* * *

Лайкадан кейин фазога Белка ва Стрелка, Қоравой ва Юлдузча лақабли итлар, оқ сичқонлар ва каламушлар учирилди. Қўрқмас (Смелий) лақабли ит билан қизиқ воқеа содир бўлади. Бир марта фазони забт этган бу итни иккинчи парвозга тайёрлай бошлайдилар. Биринчи парвози ёмон таассурот қолдирганми, ҳарқалай, эртага иккинчи парвоз деган куни уйнагани қўйиб юборилган Қўрқмас чўлга қочиб кетади.

* * *

Леонид Попов ва Валерий Рюминларнинг космик парвози пайти кутилмаган воқеа юз беради. Станция бурилаётганда махсус идишдаги 2,5 литр сув тўкилиб кетганини улар сезмай қолишади. Идиш бўшлиғини кўргач эса сувни излашга тушадилар, лекин уни топиш осон кечмайди. Вазнсизлик ҳолатида сув шар шаклини олиб шипда учиб юрган экан. Уни қайтариб идишга солишнинг иложи бўлмагач, космонавтлар бир томчисини ҳам қолдирмай ичиб қўйишди. Йўқса, сув асбоб-ускуналарга тушиб, уларни ишдан чиқариши мумкин эдида.

* * *

Дунёдаги энг қудратли ракета сифатида собиқ СССРда 1987 йилнинг 15 майида учирилган «Энергия» космик транспорт кемаси тан олинади. Учирилган пайтда унинг оғирлиги ичидаги юклари билан қўшиб ҳисоблаганда 2400 тоннага тенг эди.

* * *

Очиқ космосга чиққан дастлабки космонавт-учувчи Алексей Леоновдир. 1965 йилнинг март ойидаги парвози пайтида у 12 минут очиқ фазога чиқиб тажрибалар ўтказади.

* * *

1969 йилнинг 21 июли ойга инсон оёғи теккан кун ҳисобланади. Шу куни АҚШ астронавти Нейл Армстронг 2,5 соат давомида ойни «сайр» этиб чиқади.

* * *

Сайёраларaро космик станциялар ёрдамида Марс ва Венера сайёраларида олиб борилган кузатишлар уларда тирик жонзот ва ўсимлик олами мавжуд эмаслигини кўрсатди.

СИЗ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Йилнинг биринчи чораги давомида таҳририятимизга 250 дан зиёд хат келди. Баъзи бир газетхонларимиз эса бевосита хатлар бўлимига қўнғироқ қилишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини, уйлантираётган муаммоларини биз билан баҳам кўришмоқда. Бу учун биз улардан чексиз миннатдормиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таҳририятга келаётган аксарият хатлар янги рубрикалар очилишига, ижодий жамоанинг янгича бир куч билан изланишларига сабаб бўлмоқда. Жумладан, яқинда очилган «Бўсаға» рукнимизга муштарийларнинг фикр ва мулоҳазалари билдирилган кўплаб хатларни олмоқдамиз. Чунончи, ТошДД журналистика факультети, халқаро журналистика бўлими толибаси М.Шарипов, тошкентлик И.Ғуломова, Г.Фармонова, Б.Баҳоров каби муштарийлар бу рукннинг ўқувчиларга ҳамфикр, сирдош бўлишини қувонч билан таъкидлашган.

«Топқирлик машқи» рукнида берилаётган бошқотирмаларга ҳам мунтазам равишда жавоб хатлари олиб турамиз. Шулардан С.Нурмахашев, хоразмлик О.Алабергановлар каби мухлислар бу қизиқарли машқларга доимий равишда тўғри жавоблар йўллашмоқда.

Жамоатчи мухбиримиз Маҳфуза Усмонованинг мақолаларига ҳам газетхоналардан кўплаб акс-садолар, фикр-мулоҳазалар, раҳматномалар битилган мактублар оляпмиз. Башқадарёлик Н.Тогаев, термизлик М.Азимов ва бошқа бир қанча мухлисларимиз ва жамоатчи мухбирларимиз йўллаётган мақола ва хабарлардан эса имкон қадар фойдаланмоқдамиз.

Сизлардан келаётган мактублар ижодий жамоамизга маънавий мадад бераётганлигини яна бир бор таъкидлаб, йилнинг биринчи чорагича олинган хатларнинг мавзулар бўйича тутган ўрнини кўрсатувчи жадвални эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз.

Ижтимоий-сиёсий мавзуда	**80 та**
Илмий оммабоп	**68 та**
«Оила»-танишув бўлимига	**50 та**
Адабиёт	**39 та**
Шикоят ва аризалар	**13 та**

ХАТЛАР БЎЛИМИ

Муассисларимиз:
Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР:
Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳомийси: Ўзбекистон «Матбуот тарқатиш уюшмаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефон: 36-54-80
Эркин ЭШОНҚУЛОВ навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0211 21597 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6